

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва norma.uz, nrm.uz сайтларида танишиб чиқишингиз мумкин.



Фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари сотилади

Президентнинг 23.02.2017 йилдаги ПҚ-2796-сон қарори билан Тадбиркорларнинг ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланишларини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари қабул қилинди.

Ҳужжат мақсади — ҳоҳловчи ва буни амалга оширишга қодир бўлган тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқариш хоналаридан мақсадли фойдаланишни йўлга қўйиш.

Қарор билан илгари хусусийлаштирилган¹ қурилиш тугалланмаган объектларни² ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларини³ ҳўжалик фаолиятига тезкорлик билан жалб этиш механизми тасдиқланди. Механизм схема бўйича қуйидаги кетма-кетликдаги 3 босқичда амалга оширилади:

I босқич — қурилиш тугалланмаган объект ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдони мезонларига мос келувчи объектларнинг рўйхатини шакллантириш;

II босқич — инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ҳамда уларни амалга оширишда ёрдам бериш;

III босқич — инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бўйича тегишли чора-тадбирларни кўрмаётган мулкдорларга нисбатан солиқ солиш тартибини белгилаш.

Идоралараро комиссиялар тузилди

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида намунавий таркибда қурилиш тугалланмаган тегишли объектлар ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларини хатловдан ўтказиш ҳамда аниқлаш бўйича идоралараро комиссиялар тузилади, уларнинг вазифа ва функциялари белгиланди.

Шартлар аниқлаштирилди

Идоралараро комиссия томонидан инвестиция лойиҳаси амалга оширилмаганлиги тўғрисида хулоса чиқарилгандан кейинги ойдан бошлаб юридик шахслар — қурилиш тугалланмаган объектлар ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларининг соддалаштирилган солиққа тортиш тартибини қўллаётган мулкдорлари умумўрнатилган тартибдаги солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловларни тўлашга ўтадилар. Бундан ташқари, юридик шахслар кўрсатилган объектлар ҳамда

ишлаб чиқариш майдонлари учун мол-мулк ва ер солиқларини икки қарра оширилган ставкада тўлайдилар.

Бироқ мазкур талаблар қуйидаги мулкдорларга нисбатан қўлланилмайди:

○ жами майдони 2 минг квадрат метрдан камроқни ташкил этувчи фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларининг мулкдорларига;

○ қонун ҳужжатларида тадбиркорлик субъектларига рухсатнома ҳужжатларини бериш функцияси юкланган давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг айби билан инвестиция лойиҳасини амалга ошира олмаган мулкдорларга;

○ қурилиш тугалланмаган объектлар ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларини сотиб олган мулкдорларга нисбатан — сотиб олинган санадан бошлаб 12 ой мобайнида;

○ қурилиш тугалланмаган объектни ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонини сотувга қўйган мулкдорларга нисбатан — сотувга қўйилган санадан бошлаб 3 ой мобайнида;

○ инвестиция лойиҳасини амалга ошира бошлаган мулкдорларга нисбатан — Идоралараро комиссия инвестиция лойиҳаси амалга оширилётгани тўғрисида хулоса берган санадан кейинги календарь чорагидан бошлаб.

Илгари хусусийлаштирилган қурилиш тугалланмаган объект ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдони негизда инвестиция лойиҳаси амалга оширилмаган ҳолларда мол-мулк ва ер солиқлари навбатдаги ҳисобот йилидан бошлаб 2 қарра миқдорда оширилади ва ҳар бир кейинги ҳисобот йилида 2 қарра миқдорда, аммо 6 қаррадан кўп бўлмаган ошириб бориловчи коэффициент қўлланилади.

Тижорат банклари томонидан қурилиш тугалланмаган объектлар ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари негизда инвестиция лойиҳаларини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахсларга, шунингдек буюрачиларга 5 йил муддатгача, имтиёзли даври 12 ой бўлган ва МБнинг қайта молиялаштириш ставкасидан ошмайдиган ставка бўйича имтиёзли кредитлар берилди.

маркаланмаган деб ҳисобланади ва белгиланган тартибда олиб қўйилади.

Шу муносабат билан солиқ ва божхона органларига 2018 йил 1 январдан бошлаб эски намунадаги акциз маркалари билан маркаланган алкоғолли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотларини аниқлаш, уларнинг олиб қилиниши, ишлаб чиқарилиши ҳамда сотилишининг олдини олиш, шунингдек уларни олиб қўйиш чора-тадбирларини кўриш топширилди.

Энди тайёр маҳсулот чиқарган ҳолда ишлаб чиқариш технологик жараёнининг якуновчи босқичлари амалга ошириладиган юридик шахсларнинг алоҳида бўлинмалари (АБ) солиқларни АБ жойлашган жойи бўйича алоҳида тўлайдилар.

2-бетда

¹Давлат томонидан хусусий мулк қилиб берилган (шу жумладан устав капиталига берилган, сотилган ва бошқа усуллар билан бошқа шахсга берилган) кўчмас мулк объектлари, кейинчалик мулкдорлар ўзгарганидан қатъи назар, илгари хусусийлаштирилган бинолар, нотурар жой хоналари ва қурилиш тугалланмаган кўчмас мулк объектлари сифатида эътироф этилади.

²Илгари хусусийлаштирилган бинолар ва нотурар жой хоналари умумий майдонининг 50 фоиздан кўпроги (бир бино ёки нотурар жой хонаси контури доирасида) сўнги 12 ой мобайнида товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш)да фойдаланилмай келинган бўлса, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари сифатида эътироф этилади.

³Қурилиш лойиҳа-смета ҳужжатида белгиланган норматив муддатларда тугалланмаган, қурилишнинг белгиланган норматив муддати мавжуд бўлмаган тақдирда — қурилиш бошланган санадан бошлаб 24 ой мобайнида қуриб битказилмаган ҳолларда илгари хусусийлаштирилган объектлар қурилиш тугалланмаган объектлар сифатида эътироф этилади.

Янги акциз маркалари жорий этилади

Вазирлар Маҳкамасининг 27.02.2017 йилдаги 100-сон қарори билан Алкоғолли маҳсулотларга ва тамаки маҳсулотларига янги намунадаги акциз маркалари жорий этилади.

Ҳужжатга мувофиқ 2017 йил 1 апрелдан бошлаб алкоғолли маҳсулотларга ва тамаки маҳсулотларига ҳимоянинг қўшимча даражаларига эга бўлган янги на-

мунадаги акциз маркалари жорий этилади. Улар даяини Молия вазирлиги, ДСҚ, ДБҚ ва «Давлат белгиси» ДИЧБ томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган.

Эски намунадаги акциз маркалари билан маркаланган ҳамда улгуржи ва чакана савдо тармоғидаги маҳсулотга янги намунадаги акциз маркалари жорий этилган кундан бошлаб 9 ой ўтган

Алоҳида бўлинмалар бўйича алоҳида солиқ тўланади

Президентнинг 27.12.2016 йилдаги ПҚ-2699-сон қарорининг 15-банди ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 27.02.2017 йил-

даги 105-сон қарори билан Юридик шахсларнинг алоҳида бўлинмалари бўйича солиқларни тўлаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Ушбу
сонда:

3-БЕТ

Ижтимоий тармоқларда онлайн-ўйинларни лицензиясиз сотсам бўладими?

4-БЕТ

Маърузачига ҳақ қандай тўланади?

7-БЕТ

«АвтоНорма»: бепул юриш қоидалари, болалар қайси ёшгача текинга юра олади

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

1-бетда Юридик шахснинг айрим функцияларини бажарувчи, жойлашган жойи бўйича турғун иш ўринлари билан жиҳозланган ҳар қандай ҳудудий алоҳида бўлинма юридик шахснинг алоҳида бўлинмаси деб эътироф этилади.

Ушбу Низом татбиқ этиладиган алоҳида бўлинмаларга эга бўлган юридик шахслар рўйхати ҳар йили кейинги солиқ даври бошлангунга қадар 1 ойдан кечикмай ДСҚ ва Молия вазирлиги томонидан тасдиқланади. Ушбу рўйхатга киритилган юридик шахслар 5 кун

муддатда солиқ бўйича ҳисобга олинган жой бўйича солиқ органлари томонидан хабардор қилинади.

Юридик шахсларни ушбу рўйхатга киритиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳудудий молия ва солиқ органлари билан биргаликда АБларга эга юридик шахсларни аниқлаш мақсадида жойларда тизимли равишда хатлов ўтказадилар.

Ушбу Низомнинг амал қилиши алоҳида мол-мулк ажратилган ва мустақил балансга эга юридик шахсларнинг мустақил солиқ тўловчи ҳисобланган алоҳида бўлинмаларига **таъбиқ этилмайди.**

АБ томонидан жойлашган жой бўйича қуйидаги солиқлар тўланади:

- фойда солиғи;
- ЖШДС;
- ҚҚС;
- акциз солиғи;
- ер қарьидан фойдаланганлик учун солиқ;
- ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи;
- ЯСТ.



Кўчмас мулкни қайта расмийлаштириш соддалаштирилади

Вазирлар Маҳкамасининг 27.02.2017 йилдаги 106-сон қарори билан Кўчмас мулкнинг олди-сотди, айирбошлаш ва ҳада қилиш битимларини идораларо электрон ҳамкорликни қўллаган ҳолда нотариал тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги **низом тасдиқланди.**

Энди ариза берувчи битимни нотариал тасдиқлаш учун нотариал идорага ЯИДХПда шахсий кабинет орқали электрон аризани бевосита тўлдириш йўли билан мурожаат қилиши мумкин. Электрон ариза тўлдирилгандан кейин солиқлар, коммунал хизматлар ва электр энергияси бўйича қарздорлик, кўчмас мулкка нисбатан таққик ва хатлаш мавжудлиги идораларо электрон ҳамкорлик орқали автоматик тарзда текширилади.

Қарздорлик ёки кўчмас мулкка нисбатан таққик ва хатлаш мавжудлиги аниқланса, ариза берувчига қарздорлик бартараф этилганидан ёки таққик ва хатлаш олиб ташланганидан кейин битимни нотариал тасдиқлаш учун мурожаат қилиш ҳуқуқи борлиги ҳақида хабар берилади. Ариза берувчининг талабига кўра билдиришнома ёзма шаклда юборилади (топширилади).

Бунда ариза берувчига аниқланган қарздорликни шу жумладан электрон тўлов тизимлари орқали тўлаш имконияти берилади. Ариза берувчи томонидан амалга оширилган тўлов тўғрисидаги маълумот тезкорлик билан «Нотариус» ААТда акс эттирилади.

Агар қарздорлик мавжуд бўлмаса, электрон аризага ноёб рақам берилади, ариза берувчига битимни нотариал тасдиқлаш мумкинлиги, давлат божи миқдори ва зарур бўлган ҳужжатлар ҳақида хабар берилади. Бунда ариза берувчи электрон аризага ноёб рақам берилган вақтдан бошлаб 24 соат ичида битимни нотариал тасдиқлашни амалга оширишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Ариза берувчи аризага ноёб рақам берилган кундан бошлаб 10 кун ичида нотариал идорага келадиган кун ва қулай вақтни белгиланган ҳолда нотариус қабулига олдиндан ёзилиши мумкин. Агар кўрсатилган вақт ўтказиб юборилса, электрон аризани қайтадан тўлдиришга тўғри келади.

Низомда битимни нотариал тасдиқлаш учун зарур ҳужжатлар рўйхати белгиланган.

Бино ва иншоотларнинг таркиби ва кимга тегишлилиги тўғрисидаги маълумотлар, солиқ тўловчининг идентификация рақами, шунингдек доимий пропискага эга шахслар ёки вақтинчалик ҳисобда турувчи (вақтинча прописка қилинган) шахсларнинг паспортига оид маълумотларни нотариуслар идораларо электрон ҳамкорлик орқали мустақил оладилар.

Битим нотариал тасдиқлангандан кейин кўчмас мулкнинг кадастр рақами тўғрисидаги маълумот ва сотиб олувчи ҳақидаги зарур маълумотлар «Нотариус» АТТ орқали туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасига юборилади.

Алоҳида бўлинма бўйича солиқ тўлаш мажбуриятлари ушбу юридик шахснинг ўзи томонидан бажарилади. Бунда алоҳида бўлинмага тўғри келадиган солиқлар улуши у жойлашган жой бўйича тўланади.

Масалан, агар Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтган юридик шахс Самарқанд шаҳрида алоҳида бўлинмага эга бўлса, у ҳолда АБга тўғри келадиган солиқлар улушини Самарқанд ДСИга тўлайди.

Юқорида айтиб ўтилган солиқлар бўйича АБ жойлашган жойидаги ДСИга солиқ ҳисоботи топширилади. Агар АБ ва юридик шахс бир туманда жойлашган бўлса, АБ бўйича тегишли жамланма солиқ ҳисоботи тузилади. АБ бўйича солиқ ҳисоб-китоблари шакллари мазкур Низомга иловаларда келтирилган.

Низомда юридик шахсга тегишли АБга тўғри келадиган ҳар бир солиқ бўйича улушини аниқлаш тартиби келтирилган.

АБга эга бўлган юридик шахс солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги солиқ органларида ҳисобда туриш билан бирга солиқ тўловчи сифатида алоҳида бўлинма жойлашган жой бўйича ҳам ҳисобга туриши шарт. Бу алоҳида бўлинмаларга эга юридик шахслар рўйхатига киритилганлиги ҳақида хабарнома олинган кундан бошлаб 10 кундан кечикмай амалга оширилади.



Шу билан бирга ариза берувчи кўчмас мулкнинг кадастр йиғмажилди, паспорт ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжат билан нотариал идорага ўзи келиб мурожаат қилишга ҳақли. Мазкур ҳолатда электрон ариза тўлов ундирилгандан сўнг ариза берувчининг номидан нотариал идоранинг ходими томонидан тўлдирилади.

Бундан ташқари, ҳужжат билан идораларо электрон ҳамкорлик йўли билан алмашинадиган маълумотлар рўйхати тасдиқланди ҳамда қонун ҳужжатларига мазкур қарорга мувофиқлаштиришга йўналтирилган зарур тузатишлар киритилди.

Низом Тошкент шаҳри бўйича 1.07.2017 йилдан, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича 1.07.2018 йилдан бошлаб кучга киради.

Олег Заманов ва Музаффар Мирзаганиев, «Norma Online» экспертлари.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2017 йил 14 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботлари юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қийматини белгилади.*

1 Австралия доллари	2648,81	1 Малайзия ринггити	787,58
1 Англия фунт	4262,67	1 Польша злотийси	863,71
1 Дания кронаси	503,85	1 СДР	4716,23
1 БАА дирҳами	953,06	1 Туркия лираси	935,98
1 АҚШ доллари	3500,01	1 Швейцария франки	3471,20
1 Миср фунти	200,00	1 ЕВРО	3710,44
1 Исландия кронаси	32,60	10 Жанубий Корея вони	30,52
1 Канада доллари	2603,01	1 Япония иенаси	305,04
1 Хитой юани	506,73	1 Россия рубли	59,10
		1 Украина гривнаси	130,55

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

УШБУ СОНДА

- ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР — Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
- Валюталар курси **1-2-бетлар**
- ҲУЖАЛИК ЮРИТИШ ҚОИДАЛАРИ — Ҳамма контентга ҳам лицензия керак эмас
- Газ сотиш учун махсус тартиб
- Паспорт сертификат ўрнини босмайд

- Ундирув учун далилларни шартномдан изланг **3-бет**
- СИЗНИНГ ҲУҚУҚИНГИЗ — Шартнома тузиш эркинлиги қоида-сига кўра
- Истаганимча сарфлайман
- Шахсий картани ишлаб чиқариш картаси билан чалаштирмам
- Бериш ҳуқуқисиз **4-бет**

- КАДРЛАР БЎЛИМИ — Фақат бюджетдагилар учун
- Иш ҳақини сақланган ҳолда қайта тайёрлаш
- Қоидалар ҳамма учун бир хил
- Фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартноманинг хусусиятлари **5-бет**
- ПАСПОРТ МАСАЛАЛАРИ

- Консулликда рўйхатда туриш шарт
- Мулқдор қарши бўлса
- Алостиль қўйиладими ёки йўқми?
- Ота-онанинг қарори
- Пойтахтда яшаш шarti **6-бет**
- АВТОНОРМА — Бепул юриш учун гувоҳнома 1 кун ичида берилади

- Рўйхатдан ўтказиш қоидаларига кўра
- Кичик ёшли «қуёнлар» **7-бет**
- ТАДҚИҚОТ — Замонавий қонунчилик тизимида божхона ҳуқуқининг ўрни
- ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ — Маҳалла уйларида ёнгина қарши оралик масофани сақланг **8-бет**

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмаслиққа, қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақида ахборотни учинчи шахсларга бермаслиққа ҳақли.

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўпайтириш, тарқатишга **«NORMA» gazetalarini birlashgan tahririyati** МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Ҳамма контентга ҳам лицензия керак эмас

ВМнинг 15.03.2012 йилдаги 72-сон қарорига мувофиқ ижтимоий тармоқларда онлайн-контентни ва онлайн-ўйинларни сотиш учун лицензия керакми?

Т.Раҳмонов.

— Фаолиятнинг 4 тури: аудиовизуал асарларни, фонограммалар ва ЭХМ учун яратилган дастурларни такоррлаш, сотиш, прокатга бериш, шунингдек фонограммаларни тайёрлаш лицензияланади.

Аудиовизуал асар — бири билан боғлиқ бўлган (овоз жўрлигида ёки овоз жўрлигисиз) тасвирларнинг ёзиб олинган туркумидан иборат бўлган, тегишли техника воситалари ёрдамида кўриб ва эшитиб (овоз жўрлиги бўлса) идрок этиш учун мўлжалланган ёзув, шу жумладан, кинематография, мультипликация ва анимация асарлари ҳамда кинематографияниқига ўхшаш воситалар билан ифодаланган барча асарлар (теле-, кино- ва видеофильмлар, клиплар, концерт дастурларининг ёзувлари, мультфильмлар, аниме, хэнтай ва шу кабилар).

Фонограмма — бирон-бир ижронинг, бошқа овозларнинг ҳар қандай фақат овозли ёзуви, аудиовизуал асарга киритилган овозли ёзув бундан мустасно.

ЭХМ учун яратилган дастур деганда муайян натижа олиш мақсадида ЭХМ, матография, мультипликация ва анимация асарлари ҳамда кинематографияниқига ўхшаш воситалар билан ифодаланган барча асарлар (теле-, кино- ва видеофильмлар, клиплар, концерт дастурларининг ёзувлари, мультфильмлар, аниме, хэнтай ва шу кабилар).

ЭХМ шохобчалари ва бошқа компьютер воситаларининг ишлаши учун мўлжалланган маълумотлар ва кўрсатмалар мажмуи тушунилади (Низом, ВМнинг 15.03.2012 йилдаги 72-сон қарорига 1-илова).

Шу тариқа, агар контент аудиовизуал асарлар, фонограммалар ёки ЭХМ учун яратилган дастурлар тушунчаларига тўғри келадиган ахборотга эга бўлса, уни сотиш учун лицензия олиш керак бўлади.



16.11.2016 йилда буюртмачи — АЖ ҚК ижрочи — МЧЖнинг транспорт хизматларига буюртмалар ҳажмини бир томонлама тартибда қисқартирди (40%дан ортиқ). Шартнома 31.03.2017 йилгача амал қилади ва ижрочи учун асосий ҳисобланади, сабаби МЧЖ бутун оборотининг 95%ини ташкил этади. 16.11.2016 йилдан 24.01.2017 йилгача бўлган даврда ижрочи тўлиқ олмаган оборот суммаси 18 760 000 сўмни ташкил этади.

1. Хизматлар ҳажмини камайтирганлиги учун буюртмачидан қанча суммадаги неустойкани (тўлиқ олинмаган оборотни ёки бошқа ҳисоб-китоб бўйича) талаб қилишимиз керак?

2. Неустойканинг ушбу ҳисоб-китобини буюртмачига юбориш зарурми ёки дарҳол бошқа инстанцияга мурожаат этиш лозимми?

Газетхон.

Ундирув учун далилларни шартномадан изланг



Газ сотиш учун махсус тартиб

МЧЖ баллонлардаги табиий газ (пропан) билан аҳолини таъминлаш хизматларини кўрсатиш билан шугуллана оладими, бунга қандай тартибга солувчи ҳужжатлар асос бўлади?

М.Усмонов.

— Табиий газ, суюлтирилган газ ҳам Махсус белгиланадиган тартиб бўйича сотиладиган моддий-техника ресурсларининг стратегик турлари рўйхатига (ВМнинг 5.02.2004 йилдаги 57-сон қарорига 2-илова) киради.

Истеъмолчиларнинг барча тоифаларига табиий газ

етказиб бериш газ билан таъминловчи ташкилотлар билан тузилган тўғридан-тўғри шартномалар бўйича



истеъмол қилиш лимитларини белгиланмасдан истеъмолчиларнинг буюртманомалари асосида, давлат бюджети маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган истеъмолчилар учун эса — ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида тузилган шартномаларга мувофиқ амалга оширилади (Низомнинг 20-банди, ВМнинг 57-сон қарорига 3-илова).

Шу тариқа, агар газ билан таъминловчи ташкилот ҳисобланмасангиз, аҳолига табиий газни сота олмайсиз.

Паспорт сертификат ўрнини босмайди

Корхона мотор мойи ишлаб чиқармоқчи. Мувофиқлик сертификатини олгунга қадар ўзимиз ишлаб чиқарган маҳсулотни сифат паспорти асосида сотиш мумкинми?

З.Азизова.



— Мажбурий тартибда сертификатланган маҳсулотлар турлари махсус Рўйхатда (ВМнинг 28.04.2011 йилдаги 122-сон қарорига 1-илова) кўрсатилган. Агар тури ва ТИФ ТН кодига кўра Рўйхат таъсири остига тушадиган мотор мойини ишлаб чиқармоқчи бўлсангиз, сертификатлаштирувчи органларда товарга мувофиқлик сертификатини олишингиз шарт. Бундай маҳсулотни,

ҳатто сифат паспорти бўлса ҳам, сертификатсиз сотиш ҳуқуққа зид («Маҳсулотлар ва хизматларни сертифициклаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг 13-моддаси 1-қисми 3-хатбошиси).

Мувофиқлик сертификати — сертификатланган маҳсулотнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжат («Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 1-мод-

даси 1-қисми 10-хатбошиси). Нефть маҳсулотининг сифат паспортида эса у тўлиқ ва назорат таҳлилларидан ўтказилганлиги натижалари ҳамда маҳсулотнинг кондиционлиги тўғрисидаги хулосани ўз ичига олади (АВ томонидан 3.10.2013 йилда 2513-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқноманинг 47, 49-бандлари, унга 21–23-иловалар). У сертификат ўрнини боса олмайди.

1 Неустойкани ундириш масаласини ҳал этиш учун буюртмачи билан тузилган шартноманинг тарафлар жавобгарлигига тааллуқли қисмини кўриб чиқишингиз лозим.

Неустойка икки турда бўлади — пеня (муайян суммага фоизларда белгиланади ва мажбуриятлар бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганда ўтказиб юборилган кунларга боғланади) ёхуд жарима (мажбуриятларни бузиш муддатига боғланмаган қатъий пул суммаси) (ФКнинг 261-моддаси; «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуннинг 25–32-моддалари).

Агар шартномада неустойка назарда тутилган бўлса, уни талаб қилишга ҳақлисиз, агар назарда тутилмаган бўлса — Қонун билан белгиланган неустойка қўлланади (Қонуннинг 24-моддаси 2-қисми). Бироқ, хусусан, буюртмачи арз қилинган хизматлар ҳажмларини қисқартирганлиги учун жавобгарлик назарда тутилмаган, шундай экан, ундирув учун далилларни шартномадан излаш зарур.

Неустойка тўлаганлигидан қатъи назар, шартнома мажбуриятларини бузган тараф иккинчи тарафга ана шу зарар оқибатида ўзи етказган зарар қисмини ҳам қоплайди (Қонуннинг 34-моддаси 1-қисми).

Тўлиқ олинмаган оборотнинг бутун суммасини ундиришни талаб қилиш нотўғри деб ўйлаймиз, чунки буюртмачи мажбуриятни лозим даражада бажармаганлиги туфайли етказилган зарарлар суммаси ундирилиши лозим (ФКнинг 324-моддаси).

Етказилган зарарларга шартнома мажбуриятлари бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги, мол-мулк йўқолиши ёки шикастланиши муносабати билан тараф қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлар, шунингдек, агар иккинчи тараф шартнома мажбуриятларини бажарганида тараф олиши мумкин бўлган, лекин ололмайдиган қолган даромадлар киради (Қонуннинг 34-моддаси 2-қисми).

2 Агар шартномада низони айна судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этиш шarti бўлса («ни-зона музокаралар йўли билан ҳал этилади» ва ҳ.к. қабилдаги умумий гаплар эътиборга олинмайди), дастлаб буюртмачига талабнома жўнатиш зарур, акс ҳолда суд даъвои кўриб чиқиш учун қабул қилмайди (ХПКнинг 86, 88, 118-моддалари).

Агар бундай шарт бўлмаса, тўғридан-тўғри шартномада кўрсатилган судга (хўжалик ёки ҳакамлик суди бўлиши мумкин), агар суд кўрсатилмаган бўлса — жавобгар жойлашган жойдаги судга мурожаат этиш мумкин.

Эркин Ҳосилов,
«Norma Online» эксперти.

Сабоҳат Султонова, «Norma Online» эксперти.

Менинг банк картани расмийлаштирган банк шу пайтгача банклараро ўтказмалар хизматини, масалан, Рауте орқали улаб бермади. Тўлов дастаги фақат банк ичида ишляпти, қўшимча картани эса банк очмаяпти ва жисмоний шахслар билан ишлямаяпти. Мисол учун, хизмат сафарига бўлганимда турмуш ўртоғимга дори-дармон олиш учун маблағ керак бўлиб қолди, мен эса унинг картасига маблағ ўтказа олмадим, сабаби у бошқа банкда расмийлаштирилган.

Ўзбекистондаги барча банклар Тўлов тизимлари (Click, Рауте, Урау ва ҳ.к.) орқали картадан картага банклараро ўтказмалар хизматини улашлари керакми?

А.Умаров,
мувофиқлаштирувчи.

Шартнома тузиш эркинлиги қондасига кўра

— Йўқ, керак эмас. Банклар билан сиз тилга олган тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги муносабатлар шартномавий асосда тартибга солинади. Яъни улар шартнома тузишда эркиндирлар.

Шартнома тузишга мажбур қилишга йўл қўйилмайди, шартнома тузиш бурчи Фуқаролик кодексига, бошқа қонунда ёки олинган мажбуриятда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно (ФКнинг 354-моддаси).

Фуқаролик кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларида банкларнинг сиз тилга олган тадбиркорлик субъектлари билан шартномалар тузиш мажбурияти назарда тутилмаган экан, банклар буни қилишга мажбур эмас.

Истаганимча сарфлайман

Мен якка тартибдаги тадбиркорман. Яқинда банкимда жисмоний шахс картасини очдим, МБнинг қарорини рўқча қилган ҳолда ойига 10 ЭКИҲдан кўп бўлмаган миқдорда унга пул ўтказишимга рухсат беришди.

ЯТТ учун бундай чеклов белгилаш тўғрими?

С.Киселёв.

— Якка тартибдаги тадбиркорнинг ҳисобрақамидаги пул маблағларини тасаруф этиш ҳуқуқларини чеклаш ҳуқуққа зид.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари барча ишлаб чиқариш харажатларининг ўрни қопланиб, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин қолган даромадни (фойдани) ўз хоҳишига кўра тасаруф этади, бундан суд тартибидagi мажбурий ундирув ҳоллари мустасно («Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 20-моддаси).

Шу тариқа, якка тартибдаги тадбиркор унинг фаолият тури учун назарда тутилган қатъий белгиланган солиқни тўлагандан кейин ҳисобрақамида бўлган пул маблағларини шахсий пластик картасига йўналтиришга ҳақли.

Марказий банкнинг 26.01.2017 йилдаги 10-16/218-сон хатига мувофиқ, миқоз банк ҳисобрақамида бўлган пул маблағларини мустақил равишда тасаруф этади, банк эса қонунда ёки шартномада назарда тутилмаган ушбу ҳуқуққа чекловларни белгилашга ҳақли эмас.

Шахсий картани ишлаб чиқариш картаси билан чалкаштирманг

Якка тартибдаги тадбиркор (фаолият тури — ноозиқ-овқат товарлари билан чакана савдо қилиш) банк пластик картасини олди.

1. Якка тартибдаги тадбиркорнинг банк картасидан маблағлар сарфи қандай норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади?

2. Унинг банк картасидаги пул маблағлари қандай эҳтиёжларга сарфланиши керак?

3. ЯТТ иш ҳақи олмаслиги боис ЯТТнинг банк картасидаги маблағларни (солиқларни тўлагандан кейин) шахсий эҳтиёжларга сарфлаши мумкинми?

4. Агар мумкин бўлмаса, ўз ҳисобрақамидаги маблағдан шахсий эҳтиёжлари учун қандай усулда фойдаланиши мумкин?

Э.Каримова.

1 Якка тартибдаги тадбиркорларнинг ҳисоб-китоб қилишда банк карталаридан фойдаланиши тартиби Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан миллий валютадаги банк карталаридан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низоми (АВ томонидан 4.09.2008 йилда 1850-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан белгиланган.

2 Якка тартибдаги тадбиркор банк карталаридан фақат унинг бевосита ишлаб чиқариш, савдо, хизмат кўрсатиш ва ишларни бажариш фаолияти билан боғ-

лиқ бўлган қуйидаги харажатлари учун тўловлар амалга оширилиши мумкин:

а) хом ашё ва материаллар (шу жумладан, қурилиш материаллари), ярим тайёр маҳсулотлар, фурнитура, асбоб-ускуналар сотиб олиш;

б) коммунал тўловлар (иситиш, иссиқ сув, ичимлик суви, оқава, электр энергияси, газ ва чиқинди олиб чиқиш кетиш учун тўловлар);

в) ижара тўловлари;

г) солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар;

д) чакана савдо фаолияти билан шуғулланувчи якка тартибдаги тад-

Бериш ҳуқуқисиз

1. Якка тартибдаги тадбиркор фирма номини рўйхатдан ўтказиши мумкинми?

2. Шахсий банк картаси ёки тадбиркорнинг картасини банкда тўловларни тўлаш учун бошқа шахсга бериш мумкинми? Ишончнома керак бўладими?

3. ЯТТ фаолиятини қандай қилиб ва қанча муддатга тўхтатиб туриш мумкин? Бунинг учун нима қилиш лозим?

С.Бурхонов.

1 Йўқ, мумкин эмас, сабаби Якка тартибдаги тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномада унинг фамилияси, исми, отасининг исми, паспорт ва бошқа шахсий маълумотлари кўрсатилади (Низомга ба-илова, ВМнинг 20.08.2003 йилдаги 357-сон қарорига 1-илова, бундан кейин — 357-сон Низом).

2 Шахсий банк карталаридан бошқа шахслар (оила аъзолари, дўстлар ва бошқалар) фойдаланиши мумкин (АВ томонидан 30.04.2004 йилда 1344-сон билан

рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 7-банди «а» кичик банди). Қонун ҳужжатларида шахсий банк картасини учинчи шахсларга бериш учун ишончнома расмийлаштириш тўғрисида-тўғри назарда тутилмаган. Шу билан бирга пластик карталар билан операцияларни амалга ошириш учун банкда ишончнома расмийлаштиришни тавсия этамиз, сабаби бунда унинг сакловчиси шахсан ҳозир бўлиши ёхуд ундан учинчи шахс фойдаланишига доир ваколатлар ҳужжатлар билан тасдиқланиши зарур.

Якка тартибдаги тадбиркорнинг

биркорлар томонидан аҳолига нақд пулга сотиш мақсадида харид қилинган товарлар учун;

е) жорий фаолияти билан боғлиқ бошқа харажатларни тўлаш учун (Низомнинг 6-банди).

3 ЯТТ шахсий эҳтиёжлари учун банк картасидан маблағларни сарфлашига Низом билан рухсат берилмаган (8-банд).

4 Тадбиркорлик фаолияти субъектлари ўз пул маблағларини, барча ишлаб чиқариш харажатларининг ўрни қопланиб, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин қолган даромадни (фойдани) мустақил равишда тасаруф этади («Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 20-моддаси 2-қисми, 21-моддаси 1-қисми).

Банк ҳисобрақамидаги пул маблағларидан шахсий эҳтиёжлар учун сарфлаш мақсадида шахсий банк картасини олиш ва қатъий белгиланган солиқни тўлагандан кейин маблағларни унга ўтказишни тавсия этамиз.

банк картасига келсак, у ўзидан бошқа шахсга банк картаси сакловчиси ваколатини бериши мумкин эмас (АВ томонидан 4.09.2008 йилда 1850-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 1-банди 3-хатбоши).

3 Агар якка тартибдаги тадбиркор сифатидаги фаолиятининг муайян муддатга вақтинча тўхтатиб турмоқчи бўлсангиз, бу тўғрисидаги аризани тадбиркорлик субъектнинг рўйхатдан ўтказувчи инспекцияга тақдим этиш зарур.

Инспекция ариза олганидан сўнг кейинги иш куни тугашидан кечикмай Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган шакл бўйича якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолиятини вақтинча тўхтатганлиги тўғрисида солиқ бўйича ҳисобга қўйилган жойингиздаги солиқ органига ахборот тақдим этади (357-сон Низомнинг 24-1-банди).

Қонун ҳужжатларида якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолиятини тўхтатиб туриш муддати назарда тутилмаган.

Жўрабек Муротов, «Norma Online» эксперти.

Эълон

Корхона ва ташкилотлар диққатига!

Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 26 январдаги «Саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотларининг барқарор фаолиятини ва уларнинг қувватларидан юқори даражада фойдаланишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 11-сон қарорига асосан 2015 йилдан бошлаб мулкчилик шаклларида қатъи назар, микрофирмалардан ташқари саноат ва қурилиш соҳасидаги барча корхоналар бўйича улар фаолиятининг асосий ишлаб чиқариш ва молиявий параметрларини акс эттирувчи корхоналар паспортларини ҳар йили расмийлаштириш тартиби жорий этилди.

2016 йил учун юқорида қайд этилган барча корхона ва ташкилотлар тасдиқланган намунавий шаклдаги паспортларни жорий йилнинг 1 апрелига қадар Интернет тармоғи орқали ЎЗР Давлат статистика қўмитасининг дастурий-технологик воситаларидан фойдаланган ҳолда тақдим этишлари керак.

Маълумот учун телефонлар:

саноат корхоналари учун — 230-88-16, 230-88-17;

қурилиш корхоналари учун — 230-88-18, 230-88-19.

Тошкент шаҳар статистика бошқармаси.

Корхоналарнинг намунавий шакллардаги паспортлари (26.01.2015 йилдаги 11-сон ВМКга 1 ва 2-иловалар) ҳамда саноат ва қурилиш корхоналари фаолияти хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг Паспортини тўлдириш методологияси stat.uz ва norma.uz сайтларида жойлаштирилган.

Фақат бюджетдагилар учун

Корхонамиз Самарқанд вилоятининг Ургут туманида жойлашган, бундан ташқари, шу вилоятнинг Нуробод туманида яна битта филиал бор. Ургут тумани – тоғли, денгиз сатҳидан 950–1 000 м баландликда, Нуробод – олисда жойлашган.

Президентнинг 2.02.2017 йилдаги «Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни тўлаш механизмини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан 2017 йилнинг февраль ойидан бошлаб:

барча турдаги пенсиялар бутун мамлакат ҳудудидан ҳеч қандай чекловларсиз тўлиқ ҳажмда нақд шаклда берилади;

тоғли ва олис туманлардаги бюджет ташкилотлари ходимларига иш ҳақи тўлаш, ижтимоий тўловлар ҳеч қандай чекловларсиз тўлиқ ҳажмда нақд шаклда амалга оширилади.

Тоғли ва олис туманлар қандай норматив ҳужжатлар билан ва қайси мезонларга кўра белгиланади?

Д.Саидмуродов,
МЧЖ ҚҚ директори.

– Ҳақиқатан ҳам, сиз тилга олган Президентнинг 2.02.2017 йилдаги ПҚ-2753-сон қароридан белгиланганидек, 2017 йилнинг февраль ойидан бошлаб тоғли ва олис туманлардаги бюджет ташкилотлари ходимларига иш ҳақи тўлаш, ижтимоий тўловлар ҳеч қандай чекловларсиз тўлиқ ҳажмда нақд шаклда амалга оширилади (2-бандининг 1 ва 3-хатбошилари).

Ушбу нормани қўллаш учун тоғли ва олис туманлар мезонлар билан белгиланмайди. Уларнинг рўйхати ПҚ-2753-сон қарорга иловада келтирилган.

Бюджет ташкилотлари ходимларига иш ҳақи тўлаш, ижтимоий тўловлар ҳеч қандай чекловларсиз

*Давлат функцияларини амалга ошириш учун белгиланган тартибда давлат ҳокимияти органларининг қарорига кўра ташкил этилган, Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан сақлаб туриладиган нотижорат ташкилот бюджет ташкилотидир.

сиз тўлиқ ҳажмда нақд шаклда амалга ошириладиган ЎзРдаги тоғли ва олис туманлар орасида Ургут ва Нуробод туманлари ҳам бор.

Бироқ ташкилотингиз – МЧЖ ҚҚ. Хатто устав фондизмда давлат улуши устунлик қилса ҳам, тижорат ташкилоти сифатида (ФКнинг 40-моддаси 2-қисми, 58-моддаси 1 ва 2-қисмлари)

сизнинг МЧЖ ҚҚ бюджет ташкилотига қирмайди (Бюджет кодексининг 4-моддаси 1-қисми). Бинобарин, ПҚ-2753-сон қарорнинг иш ҳақини тўлиқ ҳажмда нақд шаклда тўлаш ҳақидаги норматив кўрсатмаси корхонангиз ва унинг филиали (аслида тоғли ва олис туманларда жойлашган бўлса ҳам) ходимларига татбиқ этилмайди.

Камол Музаффаров,
«Norma Online» эксперти.

Иш ҳақини сақлаган ҳолда қайта тайёрлаш

Турмуш ўртоғим коллежда ўқитувчи бўлиб ишлайди. Уни асосий ишдан бўшаган ҳолда кадрларни қайта тайёрлашга юбордилар. Бунда директор унга иш ҳақини тўламоқчи эмас.

Кадрларни қайта тайёрлаш даврида ходимнинг иш ҳақи сақланадими?

Д.Назиров.

– Ҳа, ишлаб чиқаришдан бўшаган ҳолда малака оширишда иш берувчи кафолатли тўловларни тўлайди. Уларнинг миқдори жамоа шартномасида белгилаб қўйилади, лекин ўртача иш ҳақидан кам бўлмаслиги керак (МКнинг 166-моддаси).

Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими муассасалари ўқитувчиларини педагогик қайта тайёрлаш ўқитишнинг қуйидаги шаклларида амалга оширилади:

○ асосий ишдан бўшаган ҳолда ўқиш;

○ асосий ишдан қисман бўшаган ҳолда ўқиш (уйғунлаштирилган услуб);

○ асосий ишдан бўшамасдан масофавий шаклда ўқиш (Низомнинг 20-банди, ВМнинг 10.08.2012 йилдаги 242-сон қарорига 1-илова).

Асосий ишдан бўшаган ҳолда ва асосий ишдан қисман бўшаган ҳолда (уйғунлаштирилган услубда) педагогик қайта тайёрлашнинг давомийлиги камида 16 ҳафта (576 соат) этиб белгиланади. Ўқув юкламасининг энг кўп ҳажми

ҳар ҳафтада 36 (54 академик) соатни, аудитория машғулотларининг энг кўп ҳажми ҳар ҳафтада 24 (36 академик) соатни ташкил қилади (Низомнинг 25-банди).

Иш ҳақини тўламоқчи бўлмаган иш берувчи меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун МЖТКнинг 49-моддаси бўйича маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Ўз ҳуқуқингизни амалга ошириш учун туман (шаҳар) Бандликка қўмаклашиш маркази давлат ҳуқуқ меҳнат инспекторига ёки прокуратура органларига ариза билан мурожаат қилишингиз зарур.

Абдусалом Рисқуллаев,
«Norma Online»
етақчи эксперти.

Лекторлар билан фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномани қандай қилиб тўғри тузиш (уларга тўланадиган ҳақ миқдорини, меҳнат шароитларини қайд этиш) мумкин?

Ю.Анвархўжаева.

Фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартноманинг хусусиятлари

– Сизнинг ҳолатда ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини тузиш зарур (ФКнинг 703–708-моддалари). Фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартноманинг (ФХШ) меҳнат шартномасидан асосий фарқи, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси унинг турларидан бири ҳисобланади, қуйидагилардан иборат:

1) тарафлар – буюртмачи ва ижрочи;

2) ижрочи буюртмачининг ташкилотида белгиланган меҳнат режимига бўйсунмайди, буюртмачи ходимларининг қонун ҳужжатларида ва локал ҳужжатларда назарда тутилган ҳуқуқлари, имтиёзлари, компенсациялари ва мажбуриятлари, шунингдек имтиёзий ва моддий жавобгарлиги унга татбиқ этилмайди;

3) иш (хизматлар кўрсатиш) натижаларига кўра ҳақ тўланади, бу ишни (кўрсатилган хизматларни) қабул қилиш-топириш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

ФХШ муайян ишни бажариш даврига тузилиши боис уни номуайян муддатга тузиб бўлмайди. Яъни у албатта муддатли бўлиши лозим. Бироқ Фуқаролик кодексидан амал қилиш муддатининг энг кам ёки энг кўп чегараси қайд этилмаган. Шу сабабли ФХШнинг амал қилиш муддатини шартнома тарафлари белгилайдилар. Аммо у ижрочиға буюртма берилган хизматлар ҳажмига мувофиқ келиши шарт.

Ходимдан фарқли равишда ижрочини ишдан бўшатиб бўлмаслиги сабабли ижрочи шартнома шартларини кўпол равишда бузган ҳолда унинг буюртмачи томонидан бир тарафлама бекор қилиниши имкониятини назарда тутишни тавсия этамиз (ФКнинг 382, 707-моддалари). Бунда нималар бундай ҳуқуқ-бузарлик деб тан олинисини ҳамда ёзма хабарнома юбориш орқали бекор қилиш тартибини қайд этиш лозим.

Шартномада иш режимини ва меҳнат шартномасига хос бўлган бошқа меҳнат шартларини қайд этиш тавсия этилмайди.

Ҳақ миқдорини ўқилган маърузалар (ёки соатлар) сонига қараб белгилаш, ҳақни хизматларни қабул қилиш далолатномаси имзолангандан кейин тўлаш лозим.

Фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома намунасини «Norma» АҚТ ва norma.uz сайтидан топишингиз мумкин.

Эркин Ҳосилов,
«Norma Online» эксперти.

Қоидалар ҳамма учун бир хил

1.01.2017 йилдан бошлаб хорижий фуқаролар меҳмонхона хизматлари ҳақини фақат хорижий валютада тўлашлари шартлиги ҳақидаги Низом кучга кирди. Компаниямизда меҳнат лицензияси бўйича бир неча йилдан буён Ўзбекистонда ишлаётган чет эллик ходимлар бор. Агар компания ўз ходимлари – хорижий фуқароларни Ўзбекистоннинг бошқа минтақасига хизмат сафарига жўнатса ва меҳмонхона билан шартнома тузса, меҳмонхона хизматлари ҳақини қайси валютада тўлашга тўғри келади?

Л.Ашурова.

– Ҳақиқатан ҳам, 2017 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳмонхоналарда ва бошқа жойлаштириш жойларида хорижий фуқароларга ҳамда Ўзбекистон Республикасида доимий турар жойига эга бўлмаган, фуқаролиги бўлмаган шахсларга, жойлаштириш бўйича хизматларга шу жумладан туризм фаолияти субъектлари орқали

ҳақ тўлаш фақат эркин алмаштириладиган валютада амалга оширилади, улар учун тўлов республиканинг таклиф этувчи давлат ва бюджет ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган ҳолатлар бундан мустасно (2.12.2016 йилдаги ПФ-4861-сон Фармоннинг 10-банди).

Шу тариқа, агар:

○ компаниянинг хорижий ходимлари Ўзбекистонда дои-

мий турар жойига эга бўлмаганда;

○ компания давлат ёки бюджет ташкилоти ҳисобланмаганда, – уларни меҳмонхоналарда жойлаштирганлик учун ЭАВда ҳақ тўлашга тўғри келади.

Эслатиб ўтайти, АҚШ доллари, инглиз фунт стерлинги, евро, швейцария франки ва япон иенаси ЭАВга киради (АВ томонидан 12.08.2002 йилда 1165-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 1, 3-бандлари).

Маҳкам Воҳидов,
юридик фанлар номзоди,
«Norma Online» эксперти.

Консулликда рўйхатда туриш шарт

2012 йилдан буён Россияда яшайман. Элчихонада ҳисобга турмаганман. Яқинда танишларимга вақтида ҳисобга турмаганлари учун 50 доллар жарима солдилар.

Консуллик ҳисобига туриш мажбурийми? Ҳақиқатан ҳам унинг маъжуд эмаслиги учун жарима санкциялари қўлланадими?

П.Карасева.

— Хорижда доимий яшовчи Ўзбекистон фуқаролари ўзлари яшаётган консуллик округи ҳудудидаги Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасасида рўйхатдан ўтишлари шарт (АВ томонидан 4.06.1997 йилда 348-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқноманинг 2-бўлими).



Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган шахснинг чет давлат фуқаролигига мансублиги тан олинмайди («Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддаси).

Ўзбекистон фуқароларини Москва шаҳридаги Элчихонада консуллик ҳисобига қўйиш учун қуйидагиларни тақдим этиш зарур:

➤ консуллик ҳисобига қабул қилиш ҳақида ариза берувчи тўлдирган ариза шакли ва рўйхатдан ўтказиш карточаси;

➤ Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти ва унинг барча саҳифалари нусхалари;

➤ рўбарў қараб тушган фотосуратлар — 2 та (рангли, 35 x 45 мм);

➤ рўйхатдан ўтиш таомили учун 40 АҚШ доллари миқдорида консуллик йиғими ундирилади.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ўз вақтида консуллик ҳисобига турмаганлик учун жарима санкциялари назарда тутилмаган.

Мулкдор қарши бўлса

Акам Тошкент шаҳрида пропискдан ўтган ва буювдим кейин амакимизнинг ўғилларидан бирига қайта расмийлаштирилган квартирада яшайди. Ишхонаси Тошкентда пропискдан ўтишини талаб қилаётган унинг турмуш ўртоғини амаким пропискдан ўтказишга рухсат бермаяпти. У Жиззах шаҳрида пропискдан ўтган. Акамга турмушга чиқиб, у билан 6 йилдан буён яшаб келяпти. Қизлари бор, бироқ шу пайтгача турли жойларда вақтинча пропискани расмийлаштиридилар. Ўзига тегишли бўлмаган квартирада яшаётган ва пропискдан ўтган акамнинг турмуш ўртоғи ва қизини қандай қилиб пропискдан ўтказиш мумкин?

Д.Рўзमतов.

— Уй-жой мулкдорининг турар жой майдонини бериши тўғрисида нотариал тасдиқланган розилигисиз акангизнинг турмуш ўртоғи ва қизини доимий пропискдан ўтказиб бўлмайди.

Ушбу ҳужжатдан ташқари паспорт столига қуйидагиларни тақдим этиш керак бўлади:

➤ ЎЗР ИИБ томонидан белгиланган шакл бўйича ариза;

➤ Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти;

➤ турар жой учун ҳужжатларнинг нотариал тасдиқланган нусхалари;

➤ никоҳ тўзилганлиги ёки болалар туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаларнинг нотариал тасдиқланган нусхалари (Низомнинг 4-банди, ВМнинг 16.02.2012 йилдаги 41-сон қарорига 1-илова).

Апостиль қўйиладими ёки йўқми?

Мен хорижий фуқароман, Тошкент шаҳридаги квартирада ижарада тураман. Квартира эгаси Ўзбекистон ташқарисига чиқиб кетган. Унинг ҳозирлигисиз вақтинча пропискамни узайтиришим мумкинми? Бунинг учун қуйидаги ҳужжатларим бор: квартира эгаси паспортининг ксеронусхаси ҳамда кадастр ва олди-сотди шартномасининг асл нусхалари.

К.Н.

Тошкент ш.

— Эгаси республикамиздан ташқарида бўлган турар жой майдонида вақтинча ҳисобга туриш учун Ўзбекистон қонун ҳужжатларида мувофиқ нотариал тасдиқланган унинг розилиги талаб этилади.

Агар фуқаро Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги конвенцияга (Минск, 22.01.1993 йил) аъзо давлатлар, шунингдек Ўзбекистон билан расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи икки томонлама халқаро шартномаларни имзолаган давлатлар ҳудудида бўлса, унинг розилиги тегишли давлатнинг қонун ҳужжатларида мувофиқ тасдиқланиши мумкин.

Агар квартира эгаси Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи конвенцияга (Гаага, 5.10.1961 йил) аъзо давлат ҳудудида бўлса, пропискани узайтиришга розилиги апостиль қўйиш йўли билан тасдиқланиши мумкин (АВ томонидан 28.06.2016 йилда 2804-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқнома).

Ота-онанинг қарори

РФ ҳудудида вақтинча яшайман. Россия фуқароси билан умумий фарзандимиз бор. Ҳозир келиб, ўзим ва фарзандимнинг паспортини алмаштиришим керак. Фарзандимнинг фамилиясини онасиникидан отасиникига алмаштириш учун қандай ҳужжатларни тақдим этишим керак? Болани олиб чиқиш учун отасидан қандайдир ишончнома керак бўладими?

Дилора Ю.

— Ўзбекистон қонун ҳужжатларида бола туғилгандан кейин шу боланинг ота-онаси деб эътироф этиш илтимоси билан ота-онанинг ФХДёга биргаликда муружаат қилиши назарда тутилади. Оталик ишончнома бўйича белгиланмайди. Боланинг отаси онаси билан бирга шахсан келиши, шунингдек белгиланган намунадаги аризани шахсан тўлдирishi зарур.



Сиз республикадан ташқарида эканлигингиз ва болангизнинг отаси Ўзбекистонга келишни режалаштирмаётганлиги боис Россия судига оталик далилини белгилаш ҳақида даъво беришингизга тўғри келади. Суднинг қонуний қучга кирган ҳал қилув қарори билан бола туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома берган ФХДёга муружаат эта олсиз, шунда сизга отаси ва онасининг исми ёзилган янги ҳужжат берадилар. Суднинг ҳал қилув қарори асосида ФХДёнинг архив маълумотларига ўзгартришлар ҳам киритилади.

Бундан ташқари, оталикни белгилаш пайтида бола 10 ёшга тўлса, ота-онанинг биргаликдаги аризаси-

га унинг ўз қўли билан қўйган имзоси кўринишида оталикни белгилашга розилигини олиш зарур бўлади (Қоидалар, ВМнинг 14.11.2016 йилдаги 387-сон қарорига 1-илова).

Оталик белгиланганидан кейин бола сизнинг кузатувингизда чегарани ҳар гал кесиб ўтишига отасининг нотариал тасдиқланган розилиги талаб этилади. Амал қилиш муддати (3 йилгача) қайд этилган розилик нотариал тасдиқланган пайдан бошлаб 1 календарь йил ҳақиқий деб ҳисобланади.

Агар РФда яшаш ҳуқуқига (вақтинча яшашга рухсатнома, яшаш гувоҳномасига ва б.) эга бўлсангиз, РФ ҳудудида узоқ муддат (1 ойдан ортиқ) легал равишда бўлсангиз, Ўзбекистон Элчихонасида консуллик ҳисобига туришингиз шарт. Агар доимий яшаш учун рўйхатдан чиқарилган ва доимий консуллик ҳисобига турсангиз, сиз ва фарзандингиз республикамиз Элчихонасида биометрик паспорт, мамлакат ташқарисига чиқишга рухсат берувчи стикер олишингиз мумкин.

Болани РФдан ташқарига ва Ўзбекистондан ташқарига олиб чиқиш учун отасининг розилигининг бир нечта нусхасини олишингизни тавсия этамиз (масалан, боланинг биометрик паспорти, рухсат берувчи стикер, мамлакат ташқарисига чиқиш, аэропортдаги паспорт назорати учун).

Пойтахтда яшаш шарти

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар тоифаларининг рўйхати 1-бандига мувофиқ Тошкент вилоятида доимий пропискага эгаман. Ишимни ўзгартирганим муносабати билан 2-бандга кўра Тошкент шаҳрида пропискдан ўтмоқчиман. Бу ҳолда фақат 3 йил яшагандан кейин кўчмас мулкни сотиб олишга ҳақли бўлишим ҳақида ўқиган эдим. Шу тўғрими?

А.Раҳмонов.

— Вазирлар Маҳкамасининг 7.10.2016 йилдаги 336-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкентда ва Тошкент вилоятида доимий пропискдан ўтказиш тартиби такомиллаштирилди.

Тошкент вилоятида уй-жойнинг олди-сотди битимларини, алмашиш, рента, умрбод таъминлаш шарти билан ўзгага бериш ва ҳада қилишни нотариал тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш, шунингдек Тошкент шаҳридаги турар жой ёхуд турар жой бўлмаган бино шаклидаги кўчмас мулкни (кўчмас мулкнинг бир қисмини) гаровга (ипотекага) қўйиш, воз кечиш ва ўзгага беришининг бошқа усуллари қуйидаги ҳолларда амалга оширилади, агар сотиб олувчи томон жисмоний шахс:

➤ Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятида доимий пропискага эга бўлса;

➤ Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилояти ҳудудида камида 3 йил доимий яшаб турган (лавозимда бўлган) ва Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар тоифалари рўйхатининг (14.09.2011 йилдаги ЎРҚ-296-сон Қонун билан тасдиқланган) 2, 5 ва 9–11-бандларига мувофиқ Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилинган бўлса ва ички ишлар органининг доимий пропискаси борлиги тўғрисидаги маълумотномасини тақдим этса.

Илгари бу пойтахтдаги уй-жойнинг олди-сотди битимлари, алмашиш, рента, умрбод таъминлаш шарти билан ўзгага бериш ва ҳада қилишга тааллуқли эди.

Тошкент шаҳридаги кўчмас мулк билан боғлиқ битимларга худди шундай ўзгартришлар киритилди. Бунда Тошкентда яшовчилар Тошкент вилоятида кўчмас мулк сотиб олишга ҳақли, Тошкент вилоятидагилар эса Тошкентдан сотиб ола олмадилар.

Санжар Хўжааҳмедов,
«Norma Online» эксперти.

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Бепул юриш учун гувоҳнома 1 кун ичида берилади

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлигининг буйруғи (АВ томонидан 15.02.2017 йилда 2434-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Шаҳар йўловчилар транспортида (таксидан ташқари) айрим тоифадаги фуқароларга бепул юриш ҳуқуқини берувчи ягона гувоҳномаларни бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, шаҳар йўловчилар транспортида (таксидан ташқари) айрим тоифадаги фуқароларга бепул юриш ҳуқуқини берувчи гувоҳномалар зарур ҳужжатлар тақдим этилгандан кейин 1 иш куни ичида берилади.

Шунингдек ҳужжат шундай шакл билан тўлдирилдики, унга кўра шаҳар йўловчилар транспортида (таксидан ташқари) бепул юриш ҳуқуқига эга бўлган шахслар тўғрисидаги маълумотлар шаҳар йўловчи

транспортини бошқариш органи, Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлими ва Мудофаа вазирлигининг ҳудудий органи билан ўзаро келишиб олиниши лозим.

«Шаҳар йўловчилар транспортдан бепул фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, қуйидаги шахслар ушбу имтиёзга эга:

○ 1941–1945 йиллардаги уруш қатнашчилари жумласидан бўлмиш ҳарбий хизматчилар;

○ 1941–1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва урушнинг I гуруҳ ногиронига ҳамроҳлик қилувчи шахс;

○ 1941–1945 йиллардаги уруш даврида фронт ортида фидокорона меҳнати ва бенуқсон ҳарбий хизмати учун орден ва медаллар билан тақдирланган шахслар;

○ Афғонистон Республикасида ва бошқа мамла-

катларнинг ҳудудидаги жанговар ҳаракатларда қатнашган собиқ байналмилалчи жангчилар жумласидан бўлмиш фуқаролар;

○ ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар ва контракт бўйича оддий аскарлар ҳамда сержантлар таркибидаги ҳарбий хизматчилар;

○ Чернобиль АЭС ҳалокати оқибатида нурланиш касаллигига чалинган ва уни бошдан кечирган шахслар;

○ кўзи ожиз ногиронлар ва кўзи ожиз ногиронга ҳамроҳлик қилувчи шахс.

Ҳужжат Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўпламининг 20.02.2017 йилдаги 7-сонидан расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга кирди.

Сардор Жумашов,
«Norma Online» эксперти.

Рўйхатдан ўтказиш қоидаларига кўра

Йўловчиларни ташиш билан шугулланувчи транспорт корхонамиз Фарғона вилоятининг Данғара туманида рўйхатдан ўтказилган. Бироқ автотўхташ жойини (гаражни) Қўқон шаҳрида ижарага олади, сабаби туман ҳудудида замонавий талабларга жавоб берувчи гаражлар йўқ. ДИХХнинг Қўқондаги туманлараро рўйхатдан ўтказиш ва имтиҳон олиш бўлими (ТРИБ) автомобилларнинг тўхташ жойи корхона рўйхатдан ўтказилган жойда, яъни Данғара туманида жойлашган бўлиши кераклигини рўқач қилиб, автомашиналаримизни рўйхатдан ва қайта рўйхатдан ўтказишдан бош тортяпти.

Агар автомашиналар тўхташ жойи бошқа туманда бўлса, ТРИБда уларни қандай рўйхатдан ўтказиш мумкин?

М.Усмонов.



– Юридик шахсларга тегишли автотранспорт воситалари ушбу шахслар доимий жойлашган жойда рўйхатдан ўтказилиши керак.

Бироқ ҳокимликларнинг қарорига кўра корхоналарга қарашли автотранспорт воситаларини уларнинг юридик шахс ҳисобланмаган филиаллари, бўлимлари, бўлинмалари жойлашган ерда ёки транспорт воситасини ижарага олган корхона жойлашган ерда

рўйхатдан ўтказишга рухсат этилади. Бундай ҳолларда қайд этиш гувоҳномасида транспорт воситаси эгасининг номи, унинг манзили ва қўшимча равишда транспорт воситаси турадиган жой кўрсатилади (Қоидаларнинг II бўлими 4-банди, ВМнинг 26.05.1997 йилдаги 256-сон қарорига 1-илова).

Шу сабабли корхонангиз рўйхатдан ўтган жойини ўзгартирмоқчи бўлмаса, муаммони ҳал этишнинг ягона усули – автотранспорт тўх-

таш жойи жойлашган туманда корхонанинг филиали ёки бошқа бўлинмасини очиб. Сўнгра автотўхташ жойи бўйича автотранспортни рўйхатдан ўтказишга рухсат беришни сўраб ушбу туман ҳокимлигига мурожаат этиш («Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонуннинг 25-моддаси).

Маҳкам Воҳидов,
юридик фанлар номзоди,
«Norma Online» эксперти.

Кичик ёшли «қуёнлар»

Учта фарзандим бор. Кўпинча улар билан автотранспортда юришимга тўғри келади. Болаларга қайси ёшдан бошлаб чипта сотиб олиш керак?

Зиятдинова.
Тошкент ш.

– «Автомобиль транспорти тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддасига мувофиқ, йўловчи куйидаги ҳуқуқларга эга:

йўловчилар ташиш учун очик бўлган ҳар қандай йўналишга чипта сотиб олиш, чиптада белгиланган жойни эгаллаш;

шаҳар ва шаҳар атрофи йўналишларидаги автобусларда 7 ёшгача бўлган болаларни ўзи билан бепул олиб юриш;

шаҳарлараро ва халқаро йўналишларидаги автобусда;

5 ёшгача бўлган бир болани алоҳида жой берилмаган ҳолда бепул олиб юриш;

5 ёшдан 10 ёшгача бўлган бола учун алоҳида жой берилган ҳолда чипта тўлиқ қийматининг 50 фоизини тўлаб чипта сотиб олиш;

10 ёшгача бўлган икки ёки ундан ортиқ бола олиб юрилганда улардан бири бепул олиб юрилади, қолганлари учун – алоҳида жой берилган ҳолда чипта тўлиқ қийматининг 50 фоизини тўлаб чипта сотиб олинади; шаҳар ва шаҳар атрофи йўналишларида 20 килограммдан ошмайдиган оғирликдаги багажни; шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда – белгиланган ўлчамлардаги багажнинг бир ўрнини ўзи билан бепул, кўрсатиб ўтилган нормалардагидан ортиқча багажни эса – ҳақ эвазига олиб юриш;

ташиш бошланмасидан олдин чиптани топшириш ва унинг учун тўланган суммани қайтариб олиш. Тўланган сумманинг ташувчи томонидан қайтарилиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Алла Ромашко,
мухбириимиз.

УЛАРДА ҚАНДАЙ

Дизель ўтмайди

Афина, Париж, Мадрид ва Мехико дизель двигателлари тақикни жорий этишга келишиб олдилар.

Франция пойтахти ва унинг атрофидаги шаҳарчаларга 1997 йил 30 сентябрда ҳисобга қўйилган барча энгил автомобиллар ва мотоциклларнинг кириши тақиқланган. Шаҳарнинг марказий қисмига эса 2001 йил октябргача рўйхатдан ўтказилган автобуслар ва юк машиналарининг кириши ман этилган.

Энди янги тақиқлар жорий этилмоқда. Тўртта пойтахт ҳокимлари ишлаб чиқарилган йилдан қатъи назар, ички ёнув дизель двигателлари билан жиҳозланган энгил ва юк автомобилларини буткул тақиқлашга келишиб олдилар. Тақиқ 2025 йилдан кучга киради.

Электромобиллар, гибридлар ва водородли транспорт воситалари эса муайян афзалликлар ва имтиёزلарга эга бўладилар. Бундан ташқари, шаҳарларда кенг миқёсда кўкаламзорлаштириш ва велосипед йўлқалари тармоқларини барпо этиш дастурлари иш бошламоқда.

Ириқ шаҳарларнинг ҳокимлари бу қадар кескин чора кўришларига зарарли чиқиндиларнинг юқори даражада эканлиги туртки бўлди: шифокорлар ва экологларнинг фикрича, дизелларнинг ишланган газлари инсоннинг нафас олиш ва юрак-қон томир тизимлари учун ўта зарарли ҳисобланади.

Интернет тармоғи материалларидан.

Эълонлар ва реклама

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўло – исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

«КИЧИК КОРХОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз
Тошкент ш., Миробод тумани; Таълимкоржон кўч., 1/1. Тел.: (+998 71) 200-00-90.
E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

Замонавий қонунчилик тизимида божхона ҳуқуқининг ўрни

Ўзбекистонда мустақилликнинг ilk йилларидан бошлаб ҳуқуқ тизими, хусусан, божхонага оид қонунчилик кенг тарзда ислоҳ қилиб келинмоқда.

Хорижлик олимларнинг божхона қонунчилиги юзасидан олиб борган тадқиқотлари таҳлили шуни кўрсатадики, ушбу соҳадаги аксарият муносабатларни тартибга солувчи нормалар маъмурий ҳуқуққа тегишлидир. Маъмурий муносабатлар божхона қоидалари бузилишига оид маъмурий ишларни юритиш ва уларни қўриб чиқиш билан боғлиқ нормаларни ўз ичига олади. Ушбу ҳолатларда тадқиқотчи С.Халипов божхона ҳуқуқини маъмурий ҳуқуқ нормаларига асосланган ҳуқуқнинг махсус тармоғи сифатида қарашни тақлиф этади¹.

Бироқ, маъмурий ҳуқуқ нормалари фақатгина ҳуқуқбузарликларга тааллуқли жараёнларни тартибга солиб, у бутун божхона ишига оид муносабатларни тўлиқ қамраб ололмайди.

Бир қатор мутахассислар эса божхона ҳуқуқи замонавий ҳуқуқ тизимида янги тармоқ эканлигига алоҳида урғу беришади. Бу фикрдан келиб чиқиб, айрим тадқиқотчилар «халқаро божхона ҳуқуқи» тушунчаси бўйича ҳам турли гояларни илгари сурганлар.

Божхона ишининг асосий вазифаларидан бири сифатида унинг давлат фискал сифатида амалга оширишини қўриш мумкин. Хусусан, товарларни импорт қилишда ундириладиган божхона тўловлари бевосита давлат бюджетига қаратилиб, уни тўлдиришга хизмат қилади.

Шунингдек, айрим импорт товарларига бериладиган имтиёзлар маҳаллий ишлаб чиқаришни рағбатлантириб, маҳаллий товарларга нисбатан қўлланиладиган солиқ тўловлари орқали бюджет тушумларининг ўсишига омил бўлади. Мазкур жараёни тадқиқ этган тадқиқотчи А.Шорников халқаро божхона ҳуқуқини халқаро иқтисод ҳуқуқининг тармоғи ёки таркибий қисми сифатида кўради².

Ўзбекистон миллий қонунчилиги тизимида ҳам божхона ҳуқуқи алоҳида ўринга эга. Ушбу соҳанинг асосий пойдевори бўлиб Божхона кодекси ҳисобланади. 2016 йилнинг апрель ойидан амалиётга жорий этилган янги тахрирдаги Божхона кодексининг муҳим жиҳати шундаки, у божхона соҳасидаги деярли барча қонун ва қонуности ҳужжатлари нормаларини ўзида жамлаган.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, божхона меъёрлари айрим ҳуқуқ тармоқлари ҳамда миллий қонунчилик билан доимий равишда алоқада бўлиб, божхона ишига оид муносабатларни тартибга солиб келмоқда. Жумладан, янги тахрирдаги Божхона кодексида ҳам ҳаволаки нормалар мавжуд. Масалан, Кодексининг 412-моддасида божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлиши белгиланган. Жавобгарлик масалалари эса бевосита Маъмурий ва Жиноят

кодекслари орқали тартибга солинади.

Муайян қоидабузарликнинг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс билан тартибга солиниши қуйидагиларда ўз аксини топади. Масалан, чегара орқали товарлар ва транспорт воситаларини олиб ўтишда божхона назоратини амалга ошириш, божхона тўловларини ундириш ва божхона расмийлаштируви жараёнида содир этиладиган божхона қоидабузарликларига нисбатан жавобгарлик, агар улар таркибда жиноят аломатлари бўлмаса, 227, 227¹–227²–моддалар асосида белгиланади. Агар содир этилган қоидабузарлик таркибда жиноят аломатлари аниқланса, улар Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан тартибга солинади.

Шу билан бирга ушбу ҳуқуқ Жиноят-процессуал кодекси билан ҳам боғлиқдир. Унинг 38-моддаси 8-бандига кўра, божхона хизмати органлари божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда доир ишларни юритиш бўйича суриштирув олиб боришга ваколатли орган ҳисобланади.

Бундан ташқари, Божхона кодексининг 339-моддасида божхона тўловлари тўланишини таъминлаш усуллари келтирилган бўлиб, унга кўра, божхона тўловларини тўловчи шахс тўловлар тўланишини таъминлаш учун банк кафолати ва товарларни гаровга қўйиш усулларида фойдаланиши мумкинлиги кўрсатилган. Бу тартиб «Банк ва банк фаолияти тўғрисида»ги ва «Гаров тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларида ҳам белгиланган.

Лазиз Хўжакулов,
мустақил тадқиқотчи.

Эълон

ТЕКШИРИШЛАР РЕЖА-ЖАДВАЛИ – ОНЛАЙНДА

Ҳурматли ўқувчилар!

Текширишлар тўғрисидаги ахборотни тахририятимиз босма тарзда чоп этмаётганини эслатиб ўтамыз. Текширишлар режа-жадвалини газеталаримизда жойлаштиришдан воз кечар эканмиз, бу саҳифалар майдонини бошқа долзарб материалларга бағишлашга қарор қилдик.

Лекин сиз **norma.uz** сайтимизга кириб, назорат қилувчи органлар реестри ва 2017 йилда фаолияти текширилаётган ҳўжалик юритувчи субъектларнинг рўйхати билан танишиш имкониятига ҳали ҳам эгасиз. 2017 йил учун тадбиркорлик субъектларини текширишлар режа-жадвали ДСҚнинг **soliq.uz** расмий сайтида ҳам эркин фойдаланиш тарзида жойлаштирилган.

Бироқ қонунчиликка мувофиқ, Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашига Текширувларнинг режа-жадвалига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилганлигини унутмаслик керак. Шунинг учун **norma.uz** сайтига ҳар ойда кўз ташлаб туришни тавсия этамиз.

Тахририят.

Халқимиз қўшининг тинч – сен тинч деб бежиз айтмаган. Кузатувларимиз шуни кўрсатадики, 2016 йилдаги ёнғинларнинг аксарият қисми айнан аҳоли яшаш жойларида содир бўлган. Хусусан, ўтган йили бизнинг Зангиота туманида 253 ёнғиндан 170 таси шахсий уй-жойларда юз берган. Ушбу хонадонларнинг ёнғиндан кўрган моддий зарари 816 631 000 сўмни ташкил қилади.

Маҳалла уйларида ёнғинга қарши оралиқ масофани сақланг

Бу фалокатлар, асосан, фуқаролар эътиборсизлиги, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслигининг оқибатидир. Кўп ҳолларда аҳоли томонидан уйлар қуриш жараёнида оралиқ масофани қолдирмаслик, бир-бирига туташ уйлар оралиқ қисмини 60 см баландликдаги девор билан тўсмаслик ёнғин хавфини келтириб чиқаради. Шунингдек аҳоли яшаш жойлари том қордоғи қисмларига сомон пресслари, жўхори поялари, қуриган ўтин ва тез ёнувчи бошқа жисملарни сақлаш ёнғиннинг кучайиб боришига олиб келади. Масалан қарийб бир йил олдин – 2016 йил 22 март куни Чоштепа ҚФЙ Гулбоғ маҳалласи Тепакўрғон кўчасидаги 9-уйнинг томи ва 400 кг қуриган хашак 60 м² майдонда ёнган бўлиб, у қўшни уй молхонасининг томи ва молхона томидаги 700 кг қуриган хашакни ҳам ўз домига олган ва қўшимча 40 м² майдонни ёндирган.



7 июнь куни Келес ШФЙ Оқибат маҳалласи Оқибат 1-тор кўчаси, 28-уйнинг томи 60 м² майдонда ёнган бўлиб, натижада уйнинг туташ қисмида ёнғинга қарши оралиқ ёки ёнғинга қарши девор бўлмаганлиги сабабли қўшни 28-уйнинг томи ва 40 м² майдонни ёнган.

8 июнь куни Масалбой ҚФЙ Заргар маҳалласи Файз кўчаси, 118-уй хўжрахонасининг томи, бостирмаси ва хўжрахона томида сақланаётган 1 тонна сомон пресси ёниб зарарланган.

21 июнь куни Гулистон ҚФЙ Боғбон маҳалласи Чимкент йўли кўчаси, 95-уйнинг дарвозахона, болхона, гараж томи, ичи, шифти ва жиҳозлари 100 м² майдонда ёнғин содир бўлиб, натижада уйнинг туташ қисмида ёнғинга қарши оралиқ ёки ёнғинга қарши девор бўлмаганлиги оқибатида қўшни 93-уйнинг томи, шифти ва жиҳозлари 30 м² майдонда ёнган. Ёнғин оқибатида ҳар бир хонадон катта миқдорда зарар кўрган. Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур ёнғинлар куннинг илиқ кунлари содир бўлган.

Демак ёнғин балосидан ёзу қиш эҳтиёт бўлиш, унинг содир бўлиши эҳтимолларини камайтириш ҳар бир фуқародан талаб қилинадиган оддий инсонийлик бурчидир.

Хусниддин ЮЛДАШЕВ,
Зангиота тумани ИИБ ЁХБ инспектори, сержант.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва

ахборот агентлигида рўйхатга олинди.

Рўйхат рақами 0074.

Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқadi.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚУРБОНБОВ

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир
ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
Зулфия
Саидмуратовна
РАҲИМБЕКОВА

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таппимаржон кўч., 1/1,
Тахририят тел. 200-00-90
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
етказиб бериш ва ҳарид қилиш масалалари
бўйича 200-00-30;

«Norma» АҚТ бўйича – 200-00-90;

Рекламини жойлаштириш бўйича
283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига
мууроаат қилиш мумкин.

Газета нашри – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Нашр қўрсаткичи – 186. Қўзғаткичи – А3. Ҳажми – 2 босма таъб. Баҳоли кўрсатилган нархда.
Буюртма 863. Адади 1 205. Газета 2017 йил 13 март соат 19.00 да топширилди.